



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент _____ факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Иқтисодиётни эркинлаштирилиши шароитида корхонанинг
рақобатбардошлигини ошириш йўллари

ИК-316 гуруҳ талабаси

Бажарди: М.Мардонов

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

Кириш.....	3
1. Рақобатбардошлик тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	5
2. Корхонанинг рақобатбардошлик салоҳияти ва уни баҳолаш мезонлар.....	9
3. Кичик корхона рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	13
4. Корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	19
5. Рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишлари.....	23
Хулоса ва таклифлар.....	25
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	27

КИРИШ

Миллий иқтисодиёт тараққиёти бозор муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва қўлами, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, техник-технологик ривожланиш даражаси ҳамда тармоқ ва соҳаларининг тузилиши, ривожланиш хусусиятлари билан характерланади.

Бугунги кунда халқаро иқтисодий муносабатларнинг тобора ривожланиб бориши, иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Мамлакат иқтисодиётида ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳамда унинг рақобатбардошлиги катта аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир корхона мамлакатдаги катта механизмнинг бир қисми қисми сифатида тус олади. Мамлакатдаги ҳар бир корхонанинг рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатиши нафақат миллий иқтисодиётга, балки жаҳон бозорларида ҳам мустаҳкам туришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобида унинг рақобатбардошлигини ошириш”¹ бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //“Халқ сўзи”. 2017 йил, 8-февраль.

Парламентга Мурожаатномасида ҳам “очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш”² таъкидланган.

Республикамизда корхоналарнинг ривожланиши ва халқаро бозорларда ўрин эгаллашлари учун кенг йўллар очиб берилмоқда. Жумладан, турли хил кўринишдаги корхоналарни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар, солиқлар бўйича имтиёзлар, корхоналар фаолиятини суғурталаш, янги техника ва технологияларни олиб келиш бўйича божхона тўловларидан чегирмалар каби ишлар амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини шакллантириш ҳамда оширишга қаратилган ислохотлар давомийлиги ва самарадорлигини таъминлаш, рақобатбардошлик категориясининг мазмун-моҳияти ва услубий асосларини ҳозирги замон иқтисодиёти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, талқин этишни тақозо этади. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошликка эришиши ва халқаро бозорларда мустаҳкам нуфузга эга бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Корхоналарнинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин. Бунда, янги корхоналарнинг очилиши янги иш ўринларининг вужудга келишига имкон яратади. Бўш ва ўзлаштирилмаган ерларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги каби ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш орқали эса республикамиз минтақаларидан унумли фойдаланишга имкон беради.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”. 2018 йил 29 декабр.

1. Рақобатбардошлик тушунчасининг мазмун-моҳияти

Корхоналарнинг рақобатбардошлиги тушунчасини турли хил билан тушунтириш мумкин. Рақобатбардошликга таъсир этувчи омиллар кўп, аммо улардан асосийси бўлиб корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ёки кўрсатилаётган хизматларнинг бозордаги талаб даражасини ушлаб туришини тушунишимиз мумкин.

Маълумки, янги корхоналарни очишдан таъсисчиларнинг асосий мақсади истеъмолчиларга сифатли товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш орқали фойда олишдир. Шунинг учун ҳам, ҳар бир корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг ёки кўрсатаётган хизматларининг бугунги бозор шароитидаги сифатига ва айниқса уларнинг рақобатбардошлилигига қаттиқ эътибор бериши лозим.

Маълумки, рақобат ва рақобатбардошлик ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Рақобат корхоналарни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга ундайди.

Рақобатбардошлик нисбий ўлчов бўлиб, хусусияти шундан иборатки, уни рақобат предмети (маҳсулот рақобатбардошлиги)га нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги деганда, истеъмолчининг аниқ эҳтиёжларини қондириш ва уни ҳарид қилиш ҳамда кейинчалик ундан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар даражалари бўйича уни, яъни маҳсулот бошқа шундай товарлардан ажралиб турадиган тавсифлар йиғиндиси тушунилади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги – бирор бир фирма томонидан ишлаб чиқарилган, рақобатчи фирмаларнинг худди шундай товарларига қараганда яхшироқ истеъмол хусусиятлари ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлган товарларнинг истеъмолчилар томонидан ажратиб олиниш «қобилияти»дир.

Рақобатбардошлик айнан бозорда кўзатилади ва товарларнинг истеъмолчи эҳтиёжларига мувофиқ келиши солиштириб ва текшириб кўрилади. Ана шунда товарнинг рақобатбардошлиги реал харидни амалга ошираётган харидор учун жозибадорлик даражасини кўрсатади.

Иқтисодчи-маркетолог олим М.Портер “Рақобатбардошлик – товар, хизмат ва бозор муносабатлари субъектининг бозорда мавжуд бўлган ўхшаш товар, хизматлар билан, шунингдек, бозор муносабатларининг рақобатлашувчи субъектлари билан баравар бозорга чиқиш хусусиятидир, бу хусусиятни баҳолаш эса юқори, ўрта ва паст даражадаги рақобатбардошликларни алохида-алохида белгилаб бериш имконини беради” – деб таъриф берган.³

Й.Рубин эса “рақобатбардошликнинг” таянч тоифасига мурожаат қилиб, рақобатбардошлик деганда, тадбиркорлик бизнеси субъектининг ўз рақобатчиларига қарши туриш ва бундай қарши ҳаракат қилиш қобилиятини тушунмоқ керак деб ёзиб, бундай қарши ҳаракат муваффақиятли ёки муваффақиятсиз, нисбатан муваффақиятли ёки нисбатан муваффақиятсиз бўлиши ҳам мумкин деб кўрсатади.⁴

Рақобатбардошлик – рақобатчилар билан борадиган курашда ўзининг мавқеини, яъни тенглигини сақлаш, баъзи ҳолларда эса устунликка эришиш демакдир. Ўзбекистонлик иқтисодчилар Йўлдошев З., Халилова Х. “мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги – мамлакатнинг ўрта ва узок муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир” дея таъриф беришган.⁵

Илмий ва амалий манбаларда рақобатбардошлик ва унинг турлари, кўринишлари ҳамда даражалари бўйича турли талқинлар келтирилган, биз ушбу таърифлар ва талқинларни умумлаштириб, рақобатбардошликнинг кўринишларини жадвал кўринишида ифодалаймиз. **(1.1-расм)**

³ Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. Уч. Пос. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2000. – с 480.

⁴ Рубин Ю.Б. Теория и практика предпринимательской конкуренции: Учебник. 4-е издание, переработанное и дополненное. – М.: ООО “Маркет ДС Корпорейшн”, 20014. – с.86.

⁵ Йўлдошев З., Халилова Х. Миллий ва жаҳон иқтисодиёти. - Т.: “Чўлпон”, 2013. 30-б.



1-расм. Рақобатбардошлик кўринишлари⁶

Товарларнинг рақобатбардош бўлиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асос бўлиб хизмат қилади. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги унинг асосий характеристикаси, сифат даражаси, дизайни ва истеъмолчилар эҳтиёжларига мос келишидир.

Товарнинг рақобатбардошлигини ишлаб чиқарувчилар томонидан бошқариш нафақат товарга у ёки бу истеъмол хусусиятларининг берилишини, қолаверса, у ёки бу нарх стратегиясидан фойдаланишни, балки истеъмол бозорининг бу соҳасида қабул қилинган қарорни амалга ошириш кўзда тутилаётган сегменти даромадларини ҳам ҳисобга олишни англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, рақобатбардошлик ўзида товар сифатининг умумий кўрсаткичларини ва унинг нархининг ўзаро боғлиқлигини ҳам намоён этади.

Рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ҳамда товарнинг рақобатбардошлигини ошириш корхона ва фирмаларнинг ҳам рақобат

⁶ www.grandars.ru/ Понятие и виды конкурентоспособности. Ушбу маълумотлар асосида муаллифлар ишланмаси.

курашида устунликка эга бўлиб рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Товарларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофикдир:

- принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш;
- товарлар ишлаб чиқаришда илм-фаннинг сўнгги ютуқлари, яъни инновациялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;
- замонавий маркетинг усул ва воситаларидан ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида фойдаланиш ва бошқалар.

Корхоналарнинг рақобатбардошлиги — ишлаб чиқарган товарлари билан истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш бўйича рақобатчилардан устунлиги ҳамда рақобат курашида тезда мослаша олишидир.

Минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлиги миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига етарли таъсир кўрсатади ҳамда тармоқлар, корхоналар ва товарлар рақобатбардошлиги билан ўзаро боғланган ҳолда амал қилади.

Минтақанинг рақобатбардошлиги минтақа аҳолисининг турмуш тарзи ва фаровонлигини ошиб бориш қобилияти билан белгиланади. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб бориши орқали унинг рақобатбардошлиги таъминланади ва мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардош бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширишда хорижий инвестицияларни ҳудудларга тўғри ва мутаносиб жойлаштириш, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини такомиллаштириш, минтақалар инновацион фаоллигини янада

2. Корхонанинг рақобатдошлик салоҳияти ва уни баҳолаш мезонлар

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида рақобатбардошлик муҳим омиллардан бирига айланди. Рақобатдошлик муаммолари ҳам миллий, ҳам халқаро аҳамиятга эга бўлиб, замонавий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлашда тўлақонли рақобат муҳитига эришиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай бозорда фаолият юритувчи хўжалик субъектлари фойда олиш мақсадида маълум ресурсларни (моддий, меҳнат, молиявий, номоддий) қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ёки хизматлар кўринишидаги якуний маҳсулотларни яратиб, уларни истеъмолчиларга таклиф этадилар. Ўз-ўзидан маълумки, бирор-бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар сони ортиб борар экан, улар ўртасида харидорларни жалб этиш учун кураш вужудга келади, яъни рақобат муҳити шаклланади. Бугунги кунда кўплаб компаниялар “ҳамма нарса мижоз учун”, “мижоз ҳамиша ҳақ” шиори остида фаолият юритиш муваффақият гарови эканлигини тушуниб етган.

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки хизматлар бозорида рақобатнинг мавжудлиги, улардан муайян рақобатдошликни таъминлашини талаб қилади, акс ҳолда уни ривожланиши тугул бозорда жон сақлаб қолиши ҳам мушкул бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам иқтисодий фаолиятнинг бирор бир соҳасида, унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, рақобатдошлик моҳиятини аниқлаш зарурияти муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий адабиётларда рақобатдошлик тушунчасини иқтисодий мазмунини ёритишга бўлган барча изланишлар натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Барча илмий изланишларда ушбу категория мазмунини ёритишда асосан рақобатчиларнинг рақобатга дош бериш юзасидан у ёки бу хусусиятларга эга бўлиши лозимлигига қаратилган.

2. Рақобатдошлик категорияси моҳиятини ёритишда тадқиқот предмети ва объекти хусусиятларига бирламчи аҳамият берилган. Яъни фаолият,

махсулот ёки хизматлар, ишлаб чиқариш ресурслари турлари, рақобатдошлик миқёси ҳамда поғоналари нуқтаи назаридан ёндашилган.

Рақобатдошлик тушунчаси мазмунини очиб беришга бағишланган тадқиқотларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг барчасини рақобатга нисбатан ўзгармас моҳиятга эгаллигини кузатиш мумкин. Корхона рақобатдошлиги деганда, унинг рақобатга дош бера олиш қобилияти тушунилиб, корхоналарнинг айнан қайси хусусиятлари ҳисобига мақсадга эришиши билан ушбу тадқиқотлар бир-биридан фарқланади.

Фикримизча, кучли рақобат шароити корхона фаолияти самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун рақобатдошликнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш тизимли ёндашувни талаб этади. Айнан тизимли ёндашув объектни мураккаб ижтимоий-иқтисодий омил сифатида кўришга имкон беради.

Юқорида зикр этилганларни умумлаштирган ҳолда, корхона рақобатбардошлиги – бу нисбий тавсифлар тизими бўлиб, уларнинг йиғиндиси корхона муваффақиятли рақобат курашини олиб бориши салоҳияти ва ундан фойдаланиш қобилиятини намоён этади.

Махсус иқтисодий адабиётларда “иқтисодий салоҳият” ёки “ишлаб чиқариш салоҳияти” каби тушунчалар моҳиятини очиб беришга бўлган кўплаб изланишларни учратиш мумкин. Айниқса, А.Н.Азрилиян таҳрири остида чоп этилган “Катта иқтисодий луғат”да “иқтисодий салоҳият”га корхонанинг ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолияти, махсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, аҳоли ва жамият эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ жамланма қобилият сифатида таъриф берилган. “Ишлаб чиқариш салоҳияти” эса мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда махсулот ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажми ёхуд корхонада ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги, ҳал қилувчи ресурслар билан таъминланганлик шароитида ишлаб чиқариш имкониятлари сифатида талқин қилинади.

Маҳаллий тадқиқотчилардан М.Н.Равшанов ўзининг илмий монографиясида «иқтисодий салоҳият» атамасини таърифлашда уни бошқа категориялардан фарқловчи асосий белгиларни келтириб ўтган:

- иқтисодий салоҳият – бу таҳлил этилувчи тизимнинг қобилиятлари ва имкониятларини тавсифловчи категория;
- салоҳият маълум бир ресурслар йиғиндиси билан тавсифланади;
- тизимнинг қобилият ва имкониятлари энг аввало, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда хўжалик жараёнига жалб этилган кишилар, корхоналар, давлат муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар характери ва хусусиятларига боғлиқдир;
- ушбу муносабатлардан мақсад – эҳтиёжларни шакллантириш ва ресурсларни оқилона ишлатиб, маҳсулот ишлаб чиқариш орқали уларни максимал даражада қондиришдан иборатдир.

Демак, иқтисодий салоҳият деганда, корхонанинг ихтиёридаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда жамиятнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини шакллантириш ва максимал даражада қондиришнинг йиғма имкониятларини англаш мумкин.

Шунингдек, иқтисодий тадқиқотларда корхонанинг бозор салоҳияти ҳам алоҳида тадқиқот объекти сифатида қаралади. Корхонанинг рақобатдошлиги унинг бозордаги салоҳияти ва ундан фойдаланиш самарадорлигига ҳам боғлиқдир.

Бозор салоҳияти тушунчаси кўп қиррали бўлиб, корхонанинг салоҳияти ва рақобат салоҳияти билан ўзаро алоқадорликда ишлатилиши мумкин.

Корхона салоҳияти унинг самарали фаолият юритиши учун барча ички имкониятлари жамланмасини англатиб, улар маълум бир ҳолатларда тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши ёки умуман ишлатилмай қолиши ҳам мумкин. Бозор салоҳияти эса, корхонанинг ўз салоҳиятидан ташқи омиллар таъсири остида фойдаланиш имкониятларини ифодалаб, бозорда ҳар бир хўжалик субъекти бундай имкониятларга эгадир.

Бозор салоҳиятини миқдорӣ баҳолаш корхонанинг ички яширин захиралари, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг функционал жиҳатларини аниқлаш имконини бериб, корхона стратегиясини белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

Корхонанинг иқтисодий ёки ишлаб чиқариш салоҳияти бевосита унинг бозордаги мавқеини белгилаб берар экан, “рақобат салоҳияти” муаммоларига бағишланган изланишларни олиб бориш ҳам моҳиятан аҳамиятли бўлади. Корхона бозордаги доимий ўзгаришларга мослашувчан иқтисодий салоҳиятга эга бўлиши лозим ва у энг аввало, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларини қондиришга йўналтирилган рақобатдош маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқаришга қаратилади.

Тадқиқотлардан аён бўлдики, “рақобат салоҳияти” тушунчаси моҳиятини очиб беришга бўлган ёндашувлар қуйидаги жиҳатлари билан умумийлик касб этар экан:

1) корхона рақобат салоҳиятини шакллантиришга асос бўладиган ресурс ташкил этувчисининг мавжудлиги ва унга эгалик қилиш имкониятлари;

2) салоҳиятни амалдаги рақобат омилига айлантира оладиган воситаларнинг мавжудлиги;

3) бозордаги рақобатчи субъектлар салоҳиятини солиштирма таҳлил қилиш имконияти;

4) ташқи кучларни ҳисобга олиш ва корхонанинг бозордаги ўзгаришларга мослаша олиш қобилияти;

5) рақобат салоҳиятининг корхона рақобатдошлиги билан ўзаро алоқадорлиги.

Демак, рақобат салоҳияти – корхонанинг моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланган ҳолда рақобат устунликларини шакллантириб, бозорда самарали рақобат курашини олиб боришини таъминлай оладиган ички ва ташқи рақобат имкониятларини ифодалайди.

3. Кичик корхона рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Мамлакатимиз маҳаллий корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, уни ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмларини кўпайтириш, шу асосда саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришни ва экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш, шунингдек энергия самарадорлиги ва энергияни тежаш стандартларини иқтисодиётга янада самарали жорий этиш мақсадида энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш; технологик жараёнларни ҳамда материал хомашё ресурсларини сарфлаш нормаларини, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан рационализация қилиш; меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарув ҳамда саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш ва бошқа омиллар ҳисобига 2015 йилда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини ўртача 10 фоизга пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида нефть-газ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, импортни кескин камайтириш ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун қўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш зарурлигини, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чорак якуни бўйича мажлисларидан олдин алоҳида йиғилишлар ўтказилиб, уларда ҳар қайси Бош вазир ўринбосарининг импортни ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш

борасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи эшитилиши ҳамда уларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо берилишини алоҳида таъкидлади.⁷

Маълумки, ҳозирги пайтда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлиги етарли даражада эмас. Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга иккита асосий омил таъсир кўрсатади. Биринчиси, маҳсулот баҳоси билан боғлиқ омил, яъни маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига зарар етмагани ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга эришиш. Иккинчиси, маҳсулот баҳоси билан боғлиқ бўлмаган омил, яъни маҳсулотга илгари талаб бўлмаган янги хусусиятларнинг берилиши билан унинг сифатини яхшилашга олиб келишидир.

“KARBONAM” МЧЖ асосий фаолияти карбоксиметилцеллюлоза (карбоцелл) ва гумен-ишқор реагент маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат. Мазкур корхона Ўрта Осиё ҳудудида ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи асосий корхоналардан бири ҳисобланди. Ушбу корхона маҳсулотлар таннархи ва ишлаб чиқариш харажатларининг калькуляциясини ҳисоб- китобининг таҳлилини амалга оширамир.

1-жадвалда 1 тонна “Карбоцелл” (карбоксиметиллюлоза) маҳсулот таннархининг калькуляцияси келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра 1 тонна “Карбоцелл” маҳсулотини ишлаб чиқаришда хом ашё ва материаллар сарфи 2 млн. 560 минг 338 сўми ташкил этади. Жами хомашё ва материалларнинг 1 млн. 603 минг 432 сўми ёки 62,6 фоизи импорт хомашёлар ҳиссасига тўғри келади. Жами хомашё ва материалларда маҳаллий хомашёлар улуши 37,4 фоизни ташкил этмоқда. Маҳсулот таннархининг таркибида энерго қувват 908 минг 961 сўми ташкил этади. Жами энергия қувват миқдорининг 902 минг 489 сўми ёки 99,3 фоизини иссиқлик ва электро энергияси ташкил этади. 1 тонна “Карбоцелл” маҳсулотнинг таннархи 3 млн. 469 минг 299 сўмга тенг бўлиб, унинг 73,8

⁷ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 14 январь 2017 й.

фоизини хом ашё ва материаллар ва қолган 26,2 фоизини энерго қувват ташкил этади. “Карбоцелл” маҳсулот таннархини камайтириш учун хориждан импорт қилиб олиб келинадиган хомашёлар (ҳеч бўлмаганда монохлорацетат натрий, чунки унинг хомашё ва материаллардаги 51,8%) улушини камайтириш ва маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш даражасини ошириш лозим. Импорт хом ашёдан камроқ фойдаланилса ёки улардан умуман фойдаланилмаса хорижий валюта тежалади ҳамда маҳсулот таннархи камаяди. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнига иссиқлик ва электр энергияни тежайдиган технология жорий этилса, маҳсулотнинг таннархи янада камайиши мумкин.

3.1-жадвал.⁸

1 тонна “Карбоцелл” маҳсулот таннархининг калькуляцияси

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	Меъёрий харажат	1 кг баҳоси сўмда	Жами сўмда
1	2	3	4	5	6
А. Хомашё ва материаллар					
Импорт хом ашё					
1	Натр едкий (Каустик сода)	кг/тн	200,5	1384	277 492
2	Монохлорацетат натрий	кг/тн	420	3157	1 325 940
Маҳаллий хомашё					
1	Пахта целлюлозаси	кг/тн	190	2900	551 000
2	Пахта қоғоз целлюлозаси	кг/тн	185	1710	316 350
3	Полипропилен коплар	шт/тн	51	1735	88 485
4	Пряжа х/б	кг/тн	0,06	17850	1071
	Жами				2 560 338
Б. Энерго қувват					
1	Иссиқлик энергияси	Г/кал	6	109287	655 722
2	Электр энергия	квт/час	1448	170	246 767
3	Хўжалик ичимлик суви	м.куб	0,1	796	80
4	Совуқ (холод)	Г/кал	0,35	197	69
5	Сиқилган ҳаво	м.куб	136	46	6 323
	Жами				908 961
	ҲАММАСИ				3 469 299

2-жадвалда 1 тонна “Карбоцелл” маҳсулотининг умумий ишлаб чиқариш харажатлари келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра жами ишлаб чиқариш таннархи 4 млн. 579 минг 259 сўмни ташкил этиб, шундан 3 млн. 469 минг 299 сўм ёки 75,8 фоизи тўғидан-тўғри материал харажатлари,

⁸ “KARBONAM” МЧЖ корхонасининг маълумотлари. 2017 йил

қолган 24,2 фоизи эса тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари, ишлаб чиқаришга оид билвосита материал ва меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқаришга оид қўшимча харажатлардан иборат. Маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш харажатлари 5 млн. 150 минг 404 сўм ташкил этади. Умумий ишлаб чиқариш харажатлар таркибида жами ишлаб чиқариш таннархи 88,9 фоизни, тўғридан-тўғри материал харажатлари 67,4 фоизни, давр харажатлари 11,1 фоизни ташкил этади. Маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш харажатлар таркибида ҳам тўғридан-тўғри материаллар (хомашё, энерго қувват) улуши жуда юқори. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри материаллар харажати камайтириш юқорида таъкидланган фикрнинг тасдиғи (исботи) десак муболаға бўлмайди.

3.2-жадвал.⁹

1 тонна “Карбоцелл” маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш харажатлари

№	Харажатлар	Сўмда
1	2	3
1	Тўғридан-тўғри материал харажатлари	3 469 299
2	Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари	434 724
3	Ишлаб чиқаришга оид билвосита материал харажатлари	238 570
4	Ишлаб чиқаришга оид билвосита меҳнат харажатлари	307 301
5	Ишлаб чиқаришга оид қўшимча харажатлар (асосий фондлар амортизацияси)	129 365
6	Жами ишлаб чиқариш таннархи	4 579 259
7	Давр харажатлари, шу жумладан	571 145
	- сотиш харажатлари	1358
	- маъмурий харажатлар	165 951
	- бошқа операцион харажатлар	403 837
9	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	5 150 404
10	ҚҚСсиз маҳсулот баҳоси	5 562 437
11	Самарадорлиги (8 %)	412 033
12	ҚҚС (20%) билан маҳсулот баҳоси	6 674 924

3-жадвалда 1 тонна “Тумен-ишқор реагент” маҳсулот таннархининг калькуляцияси келтирилган ва у 412 минг 698 сўмга тенг. Маҳсулот таннархининг 97 фоизини хомашё ва материаллар ҳамда 3 фоизини эса энерго қувват ташкил этади. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда икки

⁹ “KARBONAM” МЧЖ корхонасининг маълумотлари. 2017 йил

турдаги импорт хомашё ва тўрт хил маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Жами хомашё ва материалларнинг 167 минг 760 сўми (41,9%) импорт хомашёлар ва 232 минг 720 сўми (59,1%) маҳаллий хомашёлар ҳиссасига тўғри келади. “Гумен-ишқор реагент” маҳсулот таннархининг асосий қисмини хомашё материаллар ташкил этгани сабабли таннархни камайитириш учун импорт хомашёдан фойдаланиш даражасини камайитириб, маҳаллий хомашёлар улушини ошириш лозим бўлади.

3.3-жадвал.¹⁰

1 тонна “Гумен-ишқор реагент” маҳсулот таннархининг калькуляцияси

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	Меъёрий харажат	1 кг баҳоси сўмда	Жами сўмда
1	2	3	4	5	6
А. Хомашё ва материаллар					
Импорт хом ашё					
1	Натр едкий (Каустик сода)	кг/тн	80	1 384	110 720
2	Бурғалаш кўмири	кг/тн	248	230	57 040
Маҳаллий хомашё					
1	Бактериал биокўмир	кг/тн	248	300	74 400
2	Пахта қоғоз целлюлозаси	кг/тн	25	4 579	114 481
3	Полипропилен коплар	шт/тн	34	1 250	42 500
4	Пряжа х/б	кг/тн	0,075	17 850	1 339
	Жами				400 480
Б. Энерго қувват					
1	Электр энергия	Г/кал	70	170	11 900
2	Хўжалик ичимлик суви	квт/час	0,4	796	318
	Жами				12 218
	ҲАММАСИ				412 698

4-жадвалда 1 тонна “Гумен-ишқор реагент” маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш харажатлари келтирилган. Ушбу маҳсулотнинг жами ишлаб чиқариш таннархи 584 минг 536 сўмни ташкил этиб, шундан 412 минг 698 сўм ёки 70 фоизи тўғидан-тўғри материал харажатларни, қолган 30 фоизи эса тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари, ишлаб чиқаришга оид билвосита материал ва меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқаришга оид қўшимча харажатларни ташкил этади. Умумий ишлаб чиқариш харажатлар таркибида жами ишлаб чиқариш таннархи 66,2 фоизни ва давр харажатлари 33,8 фоизни ташкил этади. Ушбу маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш харажатлар

¹⁰ “KARBONAM” МЧЖ корхонасининг маълумотлари. 2017 йил

таркибида давр харажатлари юқори бўлганлиги сабабли маъмурий ва бошқа операцион харажатларни қисқартириш лозим бўлади. Масалан маъмурий харажатларни қисқартириш бошқарув аппаратига сарф қилинадиган харажатлар ва сафар харажатларини камайтириш ҳисобига амалга ошириш мумкин.

3.4-жадвал.¹¹

1 тонна “Гумен-ишқор реагент” маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш харажатлари

№	Харажатлар	Сўмда
1	2	3
1	Тўғридан-тўғри материал харажатлари	412 698
2	Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари	61748
3	Ишлаб чиқаришга оид билвосита материал харажатлари	28 748
4	Ишлаб чиқаришга оид билвосита меҳнат харажатлари	40 032
5	Ишлаб чиқаришга оид қўшимча харажатлар (асосий фондлар амортизацияси)	41310
6	Жами ишлаб чиқариш таннарни	584 536
7	Давр харажатлари, шу жумладан	298 798
	- сотиш харажатлари	2 576
	- маъмурий харажатлар	144 560
	- бошқа операцион харажатлар	151 662
9	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	883 334
10	ҚҚСсиз маҳсулот баҳоси	954 000
11	Самарадорлиги (8 %)	70 667
12	ҚҚС (20%) билан маҳсулот баҳоси	1 144 800

¹¹ “KARBONAM” МЧЖ корхонасининг маълумотлари. 2017 йил

4. Корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Ҳозир мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ривожланиш маҳаллий ва минтақавий чегаралардан ошиб ўтиб, миллий ва халқаро миқёсдаги жараёнларга интеграциялашиб бормоқда. Бундан ташқари, замонавий иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви ва меҳнат тақсимоти чуқурлашмоқда. Натижада бир томондан миллионлаб корхоналар, минглаб тармоқлар ва соҳаларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиш кучаяётган бўлса, иккинчи томондан улар ўртасида бозорда ўз ўрнига эга бўлиш ва унинг қамровини кенгайтириш бўйича рақобат кураши тобора қизғин тус олмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиёт корхоналарининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бу масала глобаллашув шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Албатта, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш зарурияти юртимизда изчил давом эттириляётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсадлари, корхоналар хўжалик фаолиятининг макро ва микродаражадаги шароитлари ўзгариши билан бевосита боғлиқ. Айни чоғда, бозор рақобатининг халқаро даражада кескинлашуви таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Мамлакатимиз корхоналари талай ресурслар ва хизматларни монопол бозорлардан сотиб олишга, ўз товарларини рақобат кучли халқаро ёки ички бозорларда сотишга мажбурдирлар. Бу технологик модернизациялашни амалга оширишдаги молиявий имкониятларга салбий таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги эса унинг жаҳон хўжалигига энг мақбул тарзда интеграциялашувига эришишини таъминлай олади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш жараёнларини бошқариш хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув тизимининг таркибий

қисмларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни ва ижтимоий муҳитда сифат жиҳатидан кескин ўзгаришларга қаратилган маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг барча босқичларини модернизациялашни, техник ва технологик янгилаш жараёнларини режалаштиришдан ва амалга оширишдан иборатдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, бизнинг юртимизда мазкур йўналишда қабул қилинаётган барча чора-тадбирлар моҳиятан инновацион хусусиятга эгадир. Чунки улар илғор техника ва технологияларга асосланади, корхоналарнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш ва сотиш салоҳиятини қамраб олади. Модернизация жараёнларини рағбатлантириш эса ҳар қандай корхонанинг техник ва инвестицион сиёсати мақсадларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Шунингдек, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва уларнинг ассортименти кенгайтиришга қаратилади.

Ўзбекистон ўз ривожланиш моделини изчил давом эттиргани боис собиқ иттифоқ таркибидаги бошқа мамлакатларга нисбатан энг қисқа муддатларда, аниқроғи, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталаридаёқ иқтисодий таназзулнинг олдини олиб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлади. Сўнгра иқтисодиёт таркибини ўзгартиришга боғлиқ асосий муаммоларни бирин-сирин ҳал этишга киришди. Самараси чакки бўлмади. 1996-2003 йилларда миллий иқтисодиётимиз ўртача йиллик 4 фоиз ўсиш даражасида ривожланди.

Саноат тармоғини диверсификациялаш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эса соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўсишини ва ЯИМ таркибида саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши 1995–2016 йиллар оралиғида 27,8 фоиздан 32,9 фоизгача кўпайишини таъминлади.

Маълумки, хизматлар соҳасининг ривожланиши мамлакат иқтисодиёти, бандлик ва аҳоли даромадлари ўсишининг муҳим омилларидан бири саналади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилиш бўйича изчил амалга оширилган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, бу тармоқ

кисқа вақт ичида иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторига айланди. Унинг ЯИМдаги улуши 1995-2016 йилларда 39,8 фоиздан 49,5 фоизга қадар ортди.

Бугунги кунда “модернизация” тушунчаси миллий иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида кенг қўлланилмоқда. У ижобий ўзгаришларни ифодаловчи “янгилик киритиш”, “ривожлантириш” каби тушунчаларга ҳамоҳангдир. Иқтисодиётни модернизациялаш эса “билимлар иқтисодиёти”, “иқтисодиётни диверсификациялаш”, “инновацион иқтисодиёт”, “иқтисодиётнинг глобаллашуви” каби тушунчаларга алоқадордир.

Бинобарин, иқтисодиётни модернизациялаш деганда, миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлилигини оширишга йўналтирилган таркибий, технологик ва институционал ўзгаришлар тушунилиши лозим. Жаҳон тажрибаси модернизация миллий ресурслардан ташқари, мамлакатга жалб қилинган хорижий инвестициялардан ҳамда янги билим ва технологиялардан бир вақтда фойдаланилган ҳолда амалга оширилишини кўрсатади. Агар мамлакатда ишлаб чиқилган технологик ва институционал инновациялар халқаро миқёсда эътироф этилса ва тарқалса, модернизация ижодий характерга эга бўлади. У мамлакатга рента, роялти кўринишида маълум даражада даромадлар келтириши мумкин.

Инновацион фаолиятни кенгайтириш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни, “билимлар иқтисодиёти”ни шакллантириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари жумласига киради. Жаҳон тажрибасида миллий иқтисодиётни таркибий модернизациялашнинг жуда кўп усуллари ва эришилган ижобий натижалари маълум. Улар орасидан иккитасини асосий замонавий йўналиш сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– “билимлар иқтисодиёти” талабларига мувофиқ, модернизациялаш ҳамда таълим, фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш;

– тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган қуйидаги муаммолар иқтисодиётни модернизациялашни тақозо этади:

- асосий фондлар эскиргани;
- ишлаб чиқариш ускуналари хизмат муддатини ўтаб бўлгани ва маънан эскиргани;
- самарасиз технологияларнинг қўлланилиши;
- устувор тармоқларда малакали кадрлар етишмаслиги;
- рақобатга бардош беролмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши.

5. Рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишлари

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва босқичма-босқич рақобатбардошлигини ошириш стратегияси минтақа рақобатбардошлигини шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш; асосий устувор йўналишлар ва мақсадли кўрсаткичларни асослаш ҳамда нисбий рақобат афзалликлари ва захиралар салоҳиятидан оқилона фойдаланишга асосланади.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошликни оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- умуммиллий манфаатлар ва мамлакат миқёсида иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш;
- ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва минтақалараро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат, минтақа ва тармоқлар мафаатларининг мос келиши;
- ҳар бир ҳудуднинг табиий - иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг рақобат афзалликларини кластерлаштириш усули имкониятлари орқали ҳисобга олиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг қонуний - ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини шакллантириш, турли минтақавий даражаларда рақобатбардошликни кучайтириш.

Стратегияни ишлаб чиқиш борасида таклиф этилаётган ҳар бир босқичнинг ўз мақсад ва вазифалари, амалга ошириш механизмлари ва дастаклари, аниқ, ишлаб чиқувчилари ва уни амалга ошириш лозим.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси бошқарув ва тартибга солишнинг турли даражаларида минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Авваламбор, етарли даражада ривожланмаган минтақалар иқтисодиётини жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги фарқни босқичма-босқич қисқартиришни таъминлаш ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсадларидан биридир. Масалан, 2010-2020 йилларда мамлакат минтақаларида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги фарқ даражасини 4,4 мартадан 2,5 мартагача, саноатда 22,0 дан 10,0 гача, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 2,3 мартадан 2,0 мартагача, маҳсулотлар экспортида 20,0 мартадан 12,0 мартагача, хизмат кўрсатишда 10,0 дан 5,0 мартагача, пул даромадлари бўйича 6,0 мартадан 3,0 мартагача камайтириш назарда тутилган.

Мамлакат иқтисодиётини ошириш учун аввалам бор ҳар бир корхонада ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг сифат даражасини ошириш лозим. Бундан ташқари, мамлакатимиз табиий ресурсларининг чекланганлигини инобатга оладиган бўлсак замонавий, тежамли техника ва технологиялардан фойдаланиш орқали жаҳон бозорларига товар ҳамда хизматларни сифатли қилиб тайёрлаш, уларни экспорт қилишга интилиш лозим.

Республикамизнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ва қазиб олинаётган ресурсларни сифатли, тайёр маҳсулот этиб экспорт қилишга интилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қайта ишлаб чиқариш, уй, саноат ва қишлоқ хўжаликларининг чиқиндиларини янги техника ва технологиялар билан қайта ишлаб чиқариш мамлакат ресурсларини янада тежашга ҳамда уларни кам харажатлар эвазига ташкил этиш миллий бозорларимизда, қолаверса жаҳон бозорларида рақобатбардошликка эришишни таъминлаши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги корхона ва тармоқларнинг муваффақиятли ривожланиши ҳисобига шаклланади. Шунингдек, уларнинг муваффақиятли ҳаракати миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш жараёнларига ҳам боғлиқ бўлади. Яъни, корхоналарда ишлаб чиқариладиган товарларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлаш орқали корхонанинг экспорт салоҳияти ортиб бориб, рақобатбардош бўлишига эришилади. Корхонада ҳам рақобатбардошликни таъминлаш орқали тармоқнинг рақобатбардош бўлиши бунинг натижасида эса минтақа ҳамда мамлакатнинг ҳам рақобатбардошлиги ошиб боради.

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда кластерларни ташкил этиш, ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг янада рақобатбардош бўлишига эришиш мумкин. Чунки кластерлар замонавий инновация ва иқтисодий ўсишнинг сифат омили бўлиб ҳисобланади.

Минтақаларда юқори турмуш даражасининг мавжудлиги, иқтисодий механизмларнинг самарадорлиги, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ҳамда ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги ва тизимли фаолиятининг йўлга қўйилиши орқали минтақалар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Маҳсулот таннархи корхонанинг рақобатга бардош бера олиш қобилиятини кўрсатиб берадиган ўлчов ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги вақтда ҳам ишлаб чиқаришда харажатларни минималлаштириш стратегияси муҳим аҳамият касб этади.

“KARBONAM” МЧЖ рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

1. Модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишни давом эттириш. Натижада корхонанинг моддий техник базаси мустаҳкамланди, ишлаб чиқаришга янги технология жорий этилди, маҳсулот сифати ортади, ишлаб чиқаришда сарф этиладиган хом ашё ва меҳнат ресурслари тежалади;

2. Корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таркибида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш ҳисобига импорт хомашёлар улушини камайтириш. Ушбу чора-тадбир натижасида импорт ўрнини босувчи хом ашёларни излаб топиш амалга оширилади, хорижий валюта тежалади, маҳсулотнинг таннархи камаяди, ишлаб чиқариш ҳажми ва даромади ортади;

3. Ишлаб чиқариш (айниқса “Карбоцелл” маҳсулот ишлаб чиқариш) жараёнига иссиқлик ва электр энергияни тежайдиган технология жорий этиш бўйича изланишлар олиб бориш. Натижада корхона томонидан иссиқлик ва электр энергияни тежайдиган инновацион технология излаб топилади, маҳсулотнинг таннархини камайтиришга эришилади ҳамда корхонанинг рақобатбардошлиги ортади;

4. Ишлаб чиқариш жараёнига қатъий назорат ва тежамкорлик тизимини жорий этиш. Натижада ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришга эришилади ва корхонанинг рақобатбардошлиги ошади;

5. Бошқарув аппаратида сарф қилинадиган харажатларни ва сафар харажатларини камайтириш. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибида маъмурий харажатлар қисқаради, маҳсулотнинг таннархи камаяди ва корхонанинг даромади ортади.

Фойдаланилган адабиятлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси:. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //“Халқ сўзи”. 2017 йил, 8-февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”. 2018 йил 29 декабр.
4. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Корхона иқтисодиёти” фанидан маърузалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
5. “KARBONAM” МЧЖ корхонасининг маълумотлари. 2017 йил.
6. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
7. <http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
8. <http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.
9. <http://samarkand.uz> – Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.
10. <https://www.norma.uz/>